

ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
DSc 24/30.12.2019.GM.96.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ

ИБРАГИМОВ АЗИЗ САБИРОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҒАРБИЙ ҲУДУДЛАРИДАГИ ОЛТИН
ТАРКИБЛИ НАМАКОБЛАРНИНГ ГЕНЕЗИСИ

04.00.04 – Гидрогеология ва муҳандислик геологияси

ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Ташкент – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Content of the abstract of dissertation doctor of science (DSc)

Ибрагимов Азиз Сабинович Ўзбекистоннинг Ғарбий худудларидаги олтин таркибли намакобларнинг генезиси.....	3
Ибрагимов Азиз Сабинович Генезис золотосодержащих рассолов Западного Узбекистана.....	29
Ibragimov Aziz Sabirovich Genesis of gold-containing salt brines of Western Uzbekistan.....	55
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	58

ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
DSc 24/30.12.2019.GM.96.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ

ИБРАГИМОВ АЗИЗ САБИРОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҒАРБИЙ ҲУДУДЛАРИДАГИ ОЛТИН
ТАРКИБЛИ НАМАКОБЛАРНИНГ ГЕНЕЗИСИ

04.00.04 – Гидрогеология ва муҳандислик геологияси

ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Ташкент – 2020

Фан доктори (DSc) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.DSc/GM33 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Гидрогеология ва инженерлик геологияси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.hydroengeo.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи

Бакиев Саиднасим Алимович

геология-минералогия фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Иргашев Юлдашбай

геология-минералогия фанлари доктори, профессор

Исмаилов Вахитхан Алиханович

геология-минералогия фанлари доктори

Цой Владимир Деньевич

геология-минералогия фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Геология ва геофизика институти

Диссертация ҳимояси Гидрогеология ва инженерлик геологияси институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 24/30.12.2019.GM.96.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «6» октябрь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100041, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64 уй. Тел.: (+99871) 262-75-92; факс: (+99871) 262-62-15, e-mail: gidro_ilmkeng@mail.ru).

Диссертация билан Гидрогеология ва инженерлик геологияси институти кутубхонасида танишиш мумкин (42 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100041, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64 уй. Тел.: (+99871) 262-75-92; факс: (+99871) 262-62-15, e-mail: gidro_ilmkeng@mail.ru

Диссертация автореферати 2020 йил «22» октябрь кuni тарқатилди.
(2020 йил «22» октябрь даги 2 рақамли реестр баённомаси).



А.А.Мавлонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси муовини, г.-м. ф. д.

М.Р.Жураев

Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий котиби, г.-м. ф. ф. д. (PhD)

И.Х.Хабибуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т. ф. д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда дунёда минерал ресурслар қазиб олиш базасини тўлдира оладиган, муҳим саноат ресурсларнинг янги манбаларини қидириш ва топиш масалалари алоҳида аҳамият касб этади. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида тоғ-кон саноатини олтин қазиб олиш учун хом ашё билан таъминлашда муайян қийинчиликларга дуч келмоқда, чунки илгари қидирилиб-чамаланган конларни ҳисобланган захиралари аллақачон ишлатиб бўлинган. Шунинг учун мамлакат олтин ва валюта захираларини тўлдиришнинг янги манбаларини (жумладан, ноанъанавий манбалар олтинли намоқобларни) аниқлаш, уларнинг шаклланиши ва тақсимланиши, прогноз ресурсларини баҳолаш ва хавфсиз қазиб олиш усуллари аниқлаш масалалари долзарб бўлиб катта илмий ва амалий аҳамиятга эга. Келажакда ер ости намоқобларидан олтин ажратиб олиш имконияти, кўпчилик давлатларда хом ашёга бўлган талабни қондиришга хизмат қилади.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида ер ости намоқобларида олтин ҳосилаларини шаклланиши ва тарқалиш қонуниятларини ўрнатиш, истиқболли майдонларни топиш, уларни башоратлаш ресурсларини баҳолаш ва олтинни ажратиб олишнинг муқобил технологиясини ишлаб чиқиш бўйича кенг миқёсли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу масалаларни ҳал этиш учун олтин таркибли ер ости намоқоблари мавжуд қатламнинг лито-фашиал, геологик-тузилмавий, гидродинамик, гидрогеохимик ва геотермик шароитлари ўрганилмоқда. Ушбу геологик омиллар асосида ўзига хос белгилар аниқланмоқда ва натижада олтин таркибли намоқобларни тарқалишини башоратлаш харитаси тузилмоқда. Ер ости намоқобларида олтин ҳосилаларини шаклланиши ва истиқболли майдонларини башоратлаш бўйича илмий изланишларни олиб бориш катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда ер ости саноат сувларининг ҳосил бўлиш генезисини аниқлашга ва истиқболли тўпланишини башоратлашга йўналтирилган илмий изланишларни юқори даражада ташкил этиш ва жорий қилиш бўйича муаян ютуқларга эришилмоқда. Жумладан, йодли, бромли, борли ва литийли саноат сувларига бой гидроминерал хом ашё базасини кенгайтиришга эришилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегиясида¹ “Ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш, халқнинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш учун ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал-хомашё, ... салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш” бўйича устивор вазифалар белгилаб берилган. Бу борада Ўзбекистоннинг Ғарбий минтақасида олтинли намоқобларни генезисини, шунингдек ўзига хос геологик хусусиятларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФҒ4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ва 2017 йил 04 майдаги 2954-сонли «2017-2021 йилларда ер ости сувлари захирасидан оқилона фойдаланишни назорат этиш ва ҳисобини тартибга солиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 июндаги 430-сонли «Ер ости сувларидан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятни янада тартибга солиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VIII “Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал-ҳомашёни қайта ишлаш)” устувор йўналиши талабларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи².

Дунёда олтинни ер ости сувларида тарқалиш концентрацияси ва кўчиш шаклларини ўрганиш, ҳамда, олтин конларини геокимёвий усуллар билан қидиришни йўлга қўйиш бўйича илмий изланишлар кенг миқёсда жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: U.S. Geological Survey (АҚШ), Federal Institute for Geosciences and Natural Resources (Германия), Institute of hydrogeology and Environmental geology (Хитой), Россия Федерациясининг Фанлар Академияси қошидаги Ер қобиғи институтини Сибир филиали ва Сув муамоллари институти (Россия), Қозоғистон миллий тадқиқот университети (Қозоғистон), Гидрогеология ва муҳандислик геологияси институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Ер ости сувлари таркибида олтин бирикмасини шаклланиши ва тарқалиши, ҳамда ер ости сувларидан олтинни ажратиб олиш технологиясини ишлаб чиқишга оид жаҳонда олиб борилган кенг қамровли тадқиқотлар натижасида қатор илмий натижалар олинган, жумладан: олтин нафақат тоғ жинсларида, балки денгиз ва океанлар сувларида ҳам мавжуд бўлиб, ҳозирги кунда денгиз сувида олтиннинг ўртача миқдори 0,001 дан 0,4 мг/л гача ўзгариши аниқланган (U.S. Geological Survey, АҚШ); океан сувида олтиннинг нисбатан юқори миқдори Шимолий Европа ва Австралия қирғоқларидан топилган (Federal Institute for Geosciences and Natural Resources, Германия); олтин тўпланишлари Қизил денгизнинг “сув ости лойи” деб аталувчи қатламларида топилган ва олтиндан ташқари, унда муаллақ ҳолатда кўплаб фойдали микрокомпонентлар борлиги аниқланган (Institute of hydrogeology and Environmental geology, Хитой); ер ости сувларида олтин тарқалишини аниқлаш бўйича гидрокимёвий усуллар қўлланилган (Гидрогеология ва инженерлик геологияси, Ўзбекистон).

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <http://www.natlib.uz/ru>; <http://earthpapers.net>; <http://www.ngtp.ru>; <http://www.geokniga.org/books>; <http://geologinfo.ru>; <https://www.niuif.ru> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган

Дунёда саноат сувлари гидрогеологияси бўйича қатор устувор йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, жумладан: ер ости намакобларида олтин бирикмаларини шаклланиш генезисини аниқлаш; намакоблардан олтин олишнинг самарали технологиясини ишлаб чиқиш; чуқур горизонтларда олтинга истиқболли бўлган худудларни башорат қилиш; намакобларда олтинни мавжуд органик бирикмалар билан ўзаро боғлиқликларини аниқлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Олдинги тадқиқотлар асосан, аввал аниқланган олтин конлари бўйича геологик-қидирув ишларини амалга ошириш учун самарали майдонларни кенгайтириш мақсадида, маъданли худудлар яқинларида ер усти олтин миграциясини ўрганишга қаратилган эди.

Ер пўстида кимёвий элементларнинг кўчиб юришига оид илмий асосларни яратилишига В.И. Вернадский, А.Е. Ферсман, Б.Б. Полинов, А.М. Овчинников, С.Н. Албул, Е.Е. Белякова, А. Бродский, М.А. Глазовская, Г.А. Голева, Н.Н. Голева, С.Р. Крайнов, Г.К. Кропачев, А.И. Перельман, ва шунингдек, хорижий тадқиқотчилар Х.С. Бойл, П.А. Клок, Д. Уайт, Д.С. Уэбб, Ф.В. Фрейз, Х.С. Хокс ва бошқалар ўз хиссаларини қўшган.

Ўзбекистонда табиий сувларда олтин ва унинг йўлдош элементларининг тақсимланиш қонуниятлари ҳақидаги ишлар 1959 йилда ВСЕГЕИ, ВСЕГИНГЕО, МГРИ ходимлари, 1964 йилдан эса Геология вазирлиги ва Ўзбекистон Фанлар Академияси тадқиқотчилари томонидан бошланган. Ушбу тадқиқотлар натижасида олтиннинг аномал қийматлари ҳар доим ҳам маъдан олди сувларини тавсифламаслиги ва сувдаги олтин миқдорлари маъданларни қидириш учун ишончли гидрогеокимёвий мезон сифатида фойдаланилмаслиги аниқланди. Олтин учун қидирув ишлар қўйилганида тадқиқотчилар асосий эътиборни, унинг йўлдош-элементларини юқори миқдорларига қаратганлар (Б.Б. Адилов, В. Ф. Скрыбин, Б.А. Карачевцев, В. А. Ан, Н.И. Еникеев, ва бошқалар, 1976). Ушбу муаллифларнинг тадқиқотлари асосан, Ўзбекистоннинг тоғ ва тоғ олди минтақаларини гидрокарбонатли ва сульфатли сувларида олтиннинг миграциясини ўрганиш билан боғлиқ бўлган. Хусусан, Б.Б. Адилов ва Н.И. Еникеев ишлари билан гидрокарбонат-сульфатли сувларда олтинни максимал миграцияси маъдан уюмидан 150-200м гачалиги аниқланган, сўнгра олтин чўкиндига чўқади. Бугунги кунгача ер ости сувларида олтин тарқалишини ўрганиш соҳасидаги муҳим ишлардан бири Э.П. Голевани “Ўзбекистон олтин конлардаги сувга хос ёйилиш ареолларини геокимёси ярим қурғоқчил ва қурғоқчил шароитда уларнинг гидрогеокимёвий излашларининг асосидир” (1986) иши ҳисобланади.

Бухоро-Қарши артезиан ҳавзасидаги (БҚАХ) ер ости сувларини кимёвий таркибининг ўрганишни тавсифловчи тадқиқотлар сифатида қуйидаги ишларни қайд этиш лозим: В.Н. Корценштейн, А.В. Кудряков, Л.Е. Михайлов, Я.А. Ҳоджакулиев В. Н. Пашковский, А.С. Хасанов, Д.С. Ибрагимов, С.А. Бакиев, Т. И. Муминжанов, Т. Х. Шоймуратов ва бошқалар.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида, ер ости сувларида олтинни кўчиб юриши аниқланган бўлиб, унинг концентрацияси бошқа кўрсаткичлар билан

биргаликда олтин конларини аниқлаш учун қидирув мезони сифатида ишлатилиши мумкинлиги ўрнатилган. Жумладан, ҳозирги кунга қадар олтинни ажратиш олиш учун гидроминерал хом ашё сифатида, олтиннинг концентрацияси юқори бўлган ер ости сувларидан фойдаланиш муаммоси етарлича ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Гидрогеология ва инженерлик геологияси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг 390-сон “Ўзбекистонни ер ости саноат литий сувларининг тарқалишлари ва шаклланиш шароитларини ўрганиш” (2011-2014), 432-сон “Бухоро-Қарши артезиан ҳавзасидаги Умид, Шимолий Ўртабулоқ ҳавзасининг саноатбоп ер ости сувларидан бром ишлаб чиқаришнинг технологик схемасини ишлаб чиқиш” (2015-2017), 37/13-сон “Ғарбий Ўзбекистон конларининг “қайсар маъданларидан” йод-йодидли ишқорсизлантириш усулида олтин олишни кўпайтириш технологиясини ишлаб чиқиш” (2018-2020) каби амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ғарбий Ўзбекистоннинг юра даври ётқизикларида табиий-геологик шароитларининг хлоридли намакобларда олтин бирикмалари ҳосил бўлиши ва тарқалишидаги ролини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

БҚАХнинг саноат аҳамиятидаги олтин таркибли хлорид намакобларини ҳосил бўлиш шароитлари ва тарқалиш қонуниятларини аниқлаш;

БҚАХнинг гидрогеологик-гидрогеохимик шароитлари, геологик ривожланиш тарихи, чуқур ёриқларда олтин тўпланиш омилларини аниқлаш; хлоридли намакобларда олтиннинг башоратлаш захирасини баҳолаш, олтин таркиби юқори бўлган истиқболли сувли горизонтлар ва ҳудудларни аниқлаш;

ер ости хлоридли намакобдан олтин олишнинг асосий технологик схемасини ишлаб чиқиш;

йод ажратиш олиш мисолида, ёндош сувларни комплекс ўзлаштиришда олтин олишнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида БҚАХ олтин таркибли намакоблари танланган.

Тадқиқотнинг предмети БҚАХ юра даврининг ётқизикларини геологик-гидрогеологик ва гидрогеокимёвий хусусиятлари ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Ушбу тадқиқотларнинг асосий усули илгари чоп этилган ва фонд ишларининг кенг қамровли илмий таҳлили, ер ости сувларида олтиннинг миқдори бўйича олинган натижаларни талқин қилиш ва қайта ишлаш, умумлаштиришдан (табиий сувларда олтинни жойлашиш шакли ва тарқалишини ўрганиш бўйича ишлар) иборат. Белгиланган қудуқларнинг қатлам сувларидаги олтин миқдорини аниқлаш мақсадида, ишлатилаётган нефт ва газ қудуқларини гидрогеокимёвий синовдан ўтказиш ишлари таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

илк бор БҚАХнинг юқори юра ётқизиқларидаги ер ости хлорид намакобларида концентрацияси саноат аҳамиятига эга бўлган олтиннинг тўпланишига таъсир этувчи асосий (геологик-тузилмавий, гидрогеологик, геотермик ва геохимёвий) омиллар аниқланган;

хлоридли намакоблар тарқалган қатламларнинг геохимик шароитларига, оксидланиш-қайтарилиш потенциали юқори бўлган (Eh) хлор, йод, бром, кислород ва цианидлар катта таъсир кўрсатиши натижасида, намакобли жинслардан олтинни ишқорланишига ва сув таркибига ўтишга асосий сабабчи эканлиги аниқланган;

илк бор юра қатламларида тарқалган олтин таркибли намакобларидан олтин ва бошқа микроэлементларни ажратиб олиш бўйича геотехнологик тажриба ишлар комплексини режалаштириш учун қайта ишлаш истиқболлари асосланган;

геологик-тузилмавий, гидрогеологик, геотермик ва геохимёвий шароитларини ва кўп йиллик ер ости сувларини кимёвий таркибини таҳлил қилиш асосида, БҚАХ хлоридли сувларидаги олтин захираларига истиқболи юқори ва саноат аҳамиятига эга бўлган ҳудудлар аниқланган;

ҳозирги вақтда атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи кислотали усуллар ўрнига экологик тоза йод-йодид эритмалари ёрдамида қайсар рудалардан олтин олиш учун геотехнологияда янги йўналиш асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

илк бор ер ости саноат сувларида олтин миқдори юқори бўлган энг кўп истиқболли ҳудудлар ажратилган, ҳамда олтинни башоратлаш захиралари баҳоланган;

1:500 000 масштабда БҚАХ олтин таркибли намакобларни тарқалишнинг схематик харитаси тузилган;

БҚАХ хлоридли намакобларни комплекс қайта ишлашнинг эҳтимолий иқтисодий самарадорлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг ишончлилиги юра ва мел ётқизиқларидан олинган, 1000 дан ортиқ намуналар ҳажмида БҚАХ мезозой ётқизиғидаги ер ости сувларини гидрохимёвий ва гидродинамик параметрларини ўрганишга асосланган. Сув намуналари давлат стандартидан ўтказилган лабораторияларда таҳлил қилинган. Диссертациянинг асосий ҳолатлари литологик-фациал, тектоник-тузилмавий, гидрогеологик ва гидрогеохимёвий тадқиқотлар натижалари билан биргаликда ўрганилган сув босимли мажмуаларининг гидрохимёси ва гидродинамикасига оид ҳақиқий материални таҳлил қилишга асосланган. Хулосалар саноат сувларини шакллантириш ҳақидаги мавжуд ғояларга зид келмайди ва гидрогеология фанининг асосий тушунчаларига мос келади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, юқори юра даври

катламнинг геологик омилларини (литологик-фациаль, геологик-тузилмавий, гидродинамик, гидрогеохимик ва геотермик) таҳлил қилиш натижасида, ўзига хос табиий қулай шароитлар ер ости сувларида саноат жиҳатдан аҳамиятли бўлган концентрациядаги олтиннинг тўпланишини илмий жиҳатдан асослашга имконият яратган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, БҚАХ башорат қилинган олтин захираларини баҳоланиши ва саноат жиҳатдан аҳамиятли концентрациялари бўлган истиқболли ҳудудларни ажратилиши, юқори концентрацияли олтин мавжуд ҳудудларни башоратини ойдинлаштиришга, излов-қидирув ишлари самарасини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиш Фарбий Ўзбекистоннинг намақоблар генезиси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Саноат талабидаги олтин таркибли сувларни шакллантириш ва тарқатиш шароитлари Фарбий Ўзбекистон экспедицияси ва “Бухоро-Йод” МЧЖ фаолиятига жорий қилинган (Давлат геология қўмитасининг 2020 йил 10 июндаги 04/04-сон маълумотномаси). Натижада регионнинг Умид, Крук, Шимолий Ўртабулок, Тўракул, Қумли, Сомонтепа, Крук, Дехқонобод, Янги Қоратепа, Шарқий Қоратепа, Фарбий Тегерман, Алан, Шимолий Ғузор, Феруза, Шарқий Дарбоза конларида саноат сувларини ўрганишда мажмуавий геологик-қидирув ишларини олиб бориш имконини берган;

БҚАХ юқори юра ётқизиқларининг ер ости хлорид намақобларида олтин тўплашнинг асосий омиллари Фарбий Ўзбекистон экспедициясига жорий қилинган (Давлат геология қўмитасининг 2020 йил 10 июндаги 04/04-сон маълумотномаси). Натижада гидроминерал хом ашёни ўрганиш ишларини режалаштириш учун асос бўлиб хизмат қилган;

БҚАХ олтин таркибли саноат сувлари тарқалишининг энг истиқболли майдонлари Фарбий Ўзбекистон экспедициясига жорий қилинган (Давлат геология қўмитасининг 2020 йил 10 июндаги 04/04-сон маълумотномаси). Натижада хлорид сувларидаги олтин захираларини баҳолаш бўйича махсус геологик-қидирув ишларни қўйиш учун асос бўлиб хизмат қилган;

БҚАХ энг истиқболли майдонлари билан ажратилган олтин таркибли намақобларни тарқалиш харитаси “Ўзбекгидрогеология” ДУКсига жорий қилинган (Давлат геология қўмитасининг 2020 йил 10 июндаги 04/04-сон маълумотномаси). Натижада Ўзбекистон Республикаси саноат сувлари атласини яратиш учун асос бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари маъруза шаклида 8 та халқаро ва илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 28 та илмий ишлар нашр қилинган. Улардан 11 та мақола, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацион комиссияси томонидан докторлик диссертациясининг асосий илмий натижаларини чоп

этишга тавсия этилган 7 та республика ва 4 та хорижий журналларида мақолалар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 195 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, мақсад ва вазифалари шакллантирилган, объекти ва тадқиқот предмети намоён этилган, Ўзбекистон республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижалар ишончлилиги асосланган ҳамда илмий, амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи **“Ўзбекистоннинг олтин таркибли намакобларини шаклланиш ва тарқалиш шароитларини ўрганилганлик тарихи”** бобида намакобларнинг ҳосил бўлиш ва тарқалиш шароитлари, ер ости сувларидаги олтиннинг концентрациялари, олтиннинг гидрогеокимёси (ер ости сувларида олтиннинг кўчиш шакллари, олтин конларини геокимёвий усуллар ёрдамида разведка қилиш ва қидириш усуллари) ҳақидаги билимларни қисқача таҳлил қилишга бағишланган. Ер қобиғида кимёвий элементларнинг миграцияси бўйича В.И. Вернадский, А.Е. Ферсман, Б.Б. Полинов ва А.М. Овчинниковларнинг ишлари фойдали қазилмаларни қидириш учун гидрогеокимёвий усулнинг илмий асосларини яратишга ҳисса қўшган. С. С. Смирнов, В. В. Шербина, А. Н. Виноградов, В. И. Красников асарлари руда конларини қидириш учун гидрогеокимёвий усулнинг назарий позицияларини асослашда муҳим рол ўйнади. С.Н. Албул, Е.Е. Белякова, Г.А. Голева, А.И. Перелман, М.А. Глазовская, С.Р. Крайнов, Г.К. Кропачев, В.В. Поликарпочкин, А.А. Сауков, Н.А. Удодов, Г.Б. Свешников, И.А. Сафронов, ва бошқалар раҳбарлик қилган кўплаб жамоа тадқиқотчилари, ва чет эллик тадқиқотчилардан Х.С. Бойл, П.А. Клок, Д. Уайт, Д.С. Уэбб, Ф.В. Фрейзе, Х.С. Хокс ва бошқалар бошчилигидаги жамоалар маъданларни қидириш амалиётида гидрогеокимёвий усулни жорий қилиш ва такомиллаштиришга салмоқли ҳисса қўшдилар.

Ўзбекистонда табиий сувларда олтин ва унинг йўлдош элементларини тақсимлаш қонуниятларига оид фактик ва экспериментал маълумотларни тўплаш 1959 йилдан ВСЕГЕИ, ВСЕГИНГЕО, МГРИ ходимлари, 1964 йилдан эса Геология вазирлиги ва Ўзбекистон Фанлар Академияси тадқиқотчилари томонидан бошланган. Нашр этилган ва фонд материаллари таҳлилидан шу нарса келиб чиқадики, тадқиқотчилар олтин тарқалишини ўрганишда асосий эътиборни олтин конларини жойлашув мезонларини аниқлашга ва қидиришга

қаратишган.

Гидрогеологлар томонидан биринчи бажарилган ишларидан бири, 1969 йилда ГИДРОИНГЕО институти ходимлари (Б.Б. Адилов, В.А. Ан, Н.И. Еникеев, 1969) томонидан амалга оширилган. Иш Қизилолма ва Кўкпатас олтин конларининг гидрогеологик шароитларини ўрганишга бағишланган. Олиб борилган илмий-тадқиқот ишларида ер ости сувларидаги олтин кўчиш йўлининг узунлиги биринчи юз метрдан ошмаслиги аниқланган. Муаллифларнинг асосий хулосаси шундан иборат эдики, Ўзбекистонда олтин излашда гидрогеокимёвий усулдан фойдаланиш имконияти ва унинг бошқа геокимёвий усуллар билан мажмуавий хусусиятлари аниқланган.

Бугунги кунга келиб ер ости сувларида олтиннинг тарқалишини ўрганиш соҳасидаги энг муҳим ишлардан бири Э.П. Голеванинг “Ўзбекистонда олтин конларини тарқалишининг сув геокимёси ярим қурғоқчил ва қурғоқчил шароитларда уларнинг гидрогеокимёвий изланишлари асослари” (1986) ишидир. Ушбу ишда муаллиф ўз тадқиқотлари натижаларига асосланиб, олтин минерализациясини қидириш учун олтинга ҳамроҳ бўлган элементларнинг фақат аномал бирлашмаларини тавсия этиш нотўғри деган хулосага келади.

Ҳозирги пайда, металлга яққол танқислик сезганлиги туфайли минерал хом-ашёнинг замонавий бозори, жаҳон нархларини муҳим даражада ўсишига олиб келди ва нафақат олтин қазиб олиш учун таркибидаги паст миқдорли маъдан конларини ишлаб-чиқариш жараёнига жалб этишга, балки уни ажратиб олиш учун замонавий (ноанъанавий) усулларини излашга қулай шароитлар яратди. Ишлаб чиқарувчиларни хом ашё билан таъминлаш муаммоси бўйича ҳал қилишнинг йўлларида бири юқори концентрацияларда олтинни ўз ичига олган гидроминерал хом ашё бўлиши мумкин.

Олтин юқори бўлган миграцион фаолликларига эга (Ломоносов И. С. ва бошқ., 1984). Олтинни табиий сувларга ўтиши унинг ҳам минерал, ва ҳам органик кислоталар, тиосульфатлар в.х.к., таъсирида электрокимёвий ва биокимёвий жараёнлар ҳисобига эриб кетиши билан шартлашган. Бундан ташқари, олтиннинг физик-механик ҳаракати силжишлари жарёнида унинг бир қисми майда ҳолатда сувга ўтади, бу В.М. Крейтерни ифодалари билан “олтин фондининг миграция қисми” дир.

Асл металллар учун ҳатто $(AuCl_4)^-$, $(Au(OH)Cl_3)^-$ туридаги галогенларни (асосан хлорни) кичик концентрациясида ҳам юқори галогенидлар ҳосил бўлиши тавсифлидир. Улар кислота ва сувда жуда яхши эрувчан, бунда органиген учувчан олтин учун тавсифли ҳисобланган олтин аномалиялари ҳосил бўлишининг манбаи ёки сабабидир. Табиатда ишқорий металл иштирокида сув ва эфирда эрийдиган ҳаракатланувчи “олтин тузи” - $NaAuCl_4 \cdot 2H_2O$, ҳосил бўлиши ва амал қилиши мукин.

Олтин органик моддалари билан кўпинча битумоидлар (эрувчан қисми) ва кероген (эримайдиган қисми) билан тақдим этилган “органиген олтин” ҳосил қилади.

ГИДРОИНГЕО институти томонидан 2002 йилда эксплуатация

килинаётган нефт ва газ конларининг ер ости хлорид намакобларини гидрогеокимёвий намуналаш ишлари амалга оширилди. Дастлабки тадқиқотлар натижалари БҚАХ юқори юра ётқизиклардаги ер ости сувларида олтиннинг концентрациялари ошганлигини кўрсатди. Олтиннинг нисбатан юқори концентрациялари 0,13-0,17 мг/л Чоржой тектоник поғонасида “Ўртабулоқ”, “Шимолий Ўртабулоқ”, “Крук”, “Умид”, шунингдек, Чоржой поғонасининг “Ғарби”дан “Шўртан” ва “Кумчук” гача бўлган алохида структураларида кузатилади. Бу ерда, олтинни миқдори 0,001 мг/л дан ортиқ бўлган сувлар саноат аҳамиятига хос бўлган сувлар қаторига киритилиши ва улардан олтин олиш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлаш ўринли.

Диссертациянинг иккинчи **“Олтин таркибли намакобларни шаклланишида Бухоро-Қарши артезиан ҳавзасининг геологик-тектоник тузилиши, гидрогеологик, гидрогеохимик ва гидрогеотермик шароитларининг роли”** боби Ғарбий минтақанинг намакобларида олтин тўпланишига таъсир этувчи (геологик-гидрогеологик, структуравий-тектоник, гидрогеокимёвий, термик) омилларни таҳлилига бағишланган.

БҚАХ худудлари қоплам ётқизикларини стратиграфик ва литологик тузилишлари П.П.Чуенко (1931), Е.А.Жуков, С.И.Ильин (1937), С.Н.Симаков (1952), Т.А.Сикстель (1955, 1960, 1964), Ю.М.Кузичкин (1958), В.Д.Ильин (1959), А.Г.Бабаев (1959, 1961,1962, 1963), К.А.Сотириади (1961,1964), В.И.Троицкий (1958,1962), Д.С.Ибрагимов (1965), Т.И.Бурцева (1969), А.С.Хасанов, Л.А. Калабугин, С.А. Бакиев (1975-2016) ва кўплаб бошқаларнинг ишларида баён этилган. БҚАХ геологик тузилишда палеозойнинг пойдеворини ювилган юзасига бурчак ва стратиграфик номосликлар билан ётувчи триас, юра, бўр, палеоген, неоген ва тўртламчи чўкиндилар иштирок этадилар.

Структуравий ва тектоник омиллар И. В. Мушкетов (1915) томонидан бошланган, олдинги тадқиқотлар натижалари асосида баён этилган. Кейинчалик, регионни тектоник тузилиши Д.В.Наливкин (1926, 1936), П, Н.П. Херасков (1932), П.К. Чихачев (1934), Н.П. Туаев (1936), С.И. Ильин (1937), А.В. Пейве (1938). В.И. Попов (1938), М.И. Варевец (1939), Г.Г. Суворов (1939), Е.И. Губин (1940, 1960), С.А. Захаров (1958), А.Г. Бабаев (1955), Л.Г. Жуковский, В.Д. Ильин (1957), О.А. Рыжов ва б. (1959), А.М. Акрамходжаев ва б.(1962), Б.Б. Таль-Вирский (1962, 1964), Л.Я. Жданов (1968), М.А. Ахмеджанов (1968), П.И. Тельнов, А.Л. Яншин (1971) ва кўпгина тадқиқотчиларни ишларида тасвирланган. Бухоро-Қарши артезиан ҳавзасини тектоник тузилиши хусусиятларига бағишланган энг сўнгги ишларга А.А. Абидов, Г.С. Абдуллаев ва Ф.Г. Долгополовларни тадқиқотлари киради.

БҚАХ тектоник тузилиши ҳақидаги маълумотлар асосан, Турон плитаси худудларида иккинчи тартибли йирик структуравий бирлик – Амударё депрессияси ажратилганлиги билан тавсифланади.

Худудни аниқ икки: Шимолий (Бухоро) ва Жанубий (Чоржой) тектоник поғоналарга ажратадиган Бухоро ёриғи энг катта рол ўйнайди. Поғоналарни

ётиши Жануби-Шарққа чўзилган, уларнинг кенглиги 50 дан 100 км гача, максимал узунлиги 450-500 км.

Гидрогеологик жиҳатдан БҚАХ мураккаб Амударё артезиан ҳавзасининг Шарқий қисмига мансуб ва иккинчи тартибли ҳавза сифатида ажратилади (Бедер, Митгарц, Толстихин). БҚАХ гидрогеологик кесимида бир-биридан регионал тўсиқлари билан ажралиб турадиган бир қанча сув таркибли комплекслар ажратилади. Қуйи-ўрта-юра терриген билан карбонатли юқори юра ўртасидаги бат-қуйи келловейга мансуб гилли сув тўсиғи юра сувли комплексини қуйи-ўрта ва юқори юра сувли комплексларга бўлади. Бухоро ва Чоржой поғоналари ҳудудларида бат-қуйи келловей қатламларининг қалинлиги регионал жиҳатдан барқарор ва 20-32м дан (Қоравулбозор, Мамажургати) 100-120 м гача (Ўртабулок, Шимолий Ўртабулок) ўзгаради.

Чоржой поғонасидаги нефт, газ конденсати ва газ конлари мансуб бўлган юра чўкиндиларига тегишли ер ости сувларни кимёвий таркибида микроэлементларини кўпайиши умумий органик углеродни (C_{org}) катталашиши билан боғлиқлиги намоён этилган.

БҚАХ мезозой ётқизикларидаги ер ости сувларини ўрганиш тарихи шуни кўрсатадики, юра ва қуйи бўр сувларининг тўйинтириш минтақалари ва босим яратиш соҳалари ҳақида турлича нуқтаи назарлар мавжуд ва ҳозиргача бу масала бўйича ягона фикр мавжуд эмас. Тадқиқотчиларни бир гуруҳи ҳисоблайдики, ўрганилган сув ўтказувчи мажмуаларини гидрогеологик шароитлари инфильтрацион сувларни таъсирида аниқланади, чунки тўйиниш ва босим ҳосил қилишнинг асосий майдони Хисор ва Зарафшон тизмаларининг жануби-ғарбий тизмалари ҳисобланади. Ушбу хулосага, сувнинг умумий минераллашувларини катталашишлари, пьезометрик босимнинг пасайишлари, асосий ер ости сувлари оқимини эса жанубий - шарқдан шимолий-ғарбга ва ғарбга йўналганлиги асос бўлади (Г.Х. Дикенштейн, В.А. Кудряков, С.П. Корсаков, Б.А. Бедер, Л.Е. Михайлов, В.Н. Корценштейн, Я.А. Ходжакулиев ва б.). Яна бир гуруҳ эса- юра ва қуйи бўр сув комплексларининг гидродинамик режимини элизион жараёнлар таъсирида ҳосил бўлиши билан тушунтирадилар. Бу хулосани асоси бўлиб юра ва қуйи бўр сув қатламлари ўртасида аниқланган гидродинамик боғлиқлик хизмат қиладилар (И.В. Кушников, В.Н. Пашковский, А.С. Панченко, Л.Н. Носова, Н.В. Роговская, Л.Г. Соколовский, А.С. Хасанов, Г.В. Куликов ва б.).

Профессор А.С. Хасанов томонидан ажратилган ва баён этилган кучланишнинг гидродинамик зоналари гидрогеологик ва гидрогеокимёвий зоналар билан яхши мослашган. БҚАХ нинг юра ва юқори бўр сув таркибли мажмуаларини гидродинамик ва гидрогеокимёвий шароитларини таҳлил қилиш билан кўриб чиқилган мажмуаларнинг сувлари, асосан, элизион сув алмашинуви режимда седимитацион эканлигини тахмин қилиш мумкин.

Ҳавзани геологик-тектоник тузилиши мезозой чўкиндиларида камёб (литий, рубидий, кремний, йод, бром ва б.) ҳамда камёб ер элементларининг (олтин, уран ва б.) юқори концентрацияларини ўз таркибига олган юқори минераллашган босимли сувларнинг ҳосил бўлиши ва сақланишини

таъминлайди.

Нефт, газ, шунингдек минерал, иссиқлик ва саноат сувлари, қидириш ишларининг тараққий этишлари билан боғлиқ равишда гидрогеотермик тадқиқотлар анча кенг ўтказилган. Тадқиқотлар натижалари В.Ф. Борзасеков, М.Т. Бурак, В.Н. Корценштейн, Б.Б. Таль-Вирский, Л.Е. Михайлов, В.Н. Пашковский, А.С. Хасанов, А.Н. Султанходжаев, Я.А. Ходжакулиев, Д.С. Ибрагимов ишларида баён қилинган ва умумлаштирилган. Юра ва неоген даврларида региондаги нисбатан тектоник кечган осойишталик катта қалинликдаги, минтақавий барқарор бўлган, гилли сув ўтказмайдиган қатламларни шаклланишига йўл қўйган. Уларни минтақавий табиий “иссиқлик изолятори” сифатида кўриб чиқиш мумкин, чунки гилли қатламларни паст иссиқлик ўтказувчанлик хусусиятлари юқори ҳароратни сақлашга ёрдам беради (Т. Б. Гребенщикова, 1970). Палеозой пойдевори нисбатан саёз ётган ҳудудларда (Бухоро ва Чоржой поғоналарини катта қисмлари) максимал ҳароратлар кузатилади. Энг паст ҳароратлар пойдеворни анча жадалликда чўкиш жойларида (Сурхондарё ва Бешкент депрессиялари) кузатилади. Умуман олганда, қатламларнинг ҳароратини кўтарилиши Жанубий-Ғарбий, Жанубий ва Жануби-Шарқий йўналишларда кузатилади. Юра комплекси учун паст ҳарорат зона (20°C дан кўп бўлмаган) Ҳисор, Зарафшон ва Қулжуктов тизмаларининг тоғ олди районларида жойлашган. Бешкент, Қашқадарё ва Амударёолди ботиклиги томонга қараб юра ётқизиқларини ётиш чуқурликлари ортиб борган сари қатламлардаги ҳарорат аста-секин ошиб боради (50°C дан $100\text{-}150^{\circ}\text{C}$ ва ундан ортиқ).

БҚАХ мезозой қатламларининг гидрогеотермик зоналари гидрогеокимёвий зоналарга мос келади, чунки сув-босим тизимида юқори кучланиш ортиб борган сари сувнинг умумий минераллашувлари ва ҳарорати ошиб боради. Ҳароратни ўсиб бориши билан ер ости сувларини макро- ва микрокомпонентлари концентрациясини катталашини кузатилади. Тадқиқотчилар томондан геостатик юкланишларни, неотектоник жараёнларни ва кучланишнинг генетик зоналарини чуқур горизонтларнинг геотермик режимини шаклланишига ва қайта тақсимланишига шубҳасиз таъсири исботланган.

Баъзи бир тадқиқотчилар, туз таркибли остки қатламлардаги шўрланиш ва намақобларда минераллашувлар ва микроэлементлар таркибларини биргаликда ўсиб бориши асосан, ер қаъридан анча қаттиқ шўр намақоблар чиқиб келиши ҳисобига, юқори тузли қатламларни эса юра қатламлари ва тузлараро линзалар ҳисобига бўлиб ўтади, деб ҳисоблашади (Ю.А. Богданов ва бошқалар (1986), Д.С. Ибрагимов, С.А. Бакиев ва бошқалар).

Вертикал гидрокимёвий зоналикда ифодасини топган флюидларнинг вертикал миграцияси тагида барча тектоник заиф бўлган каналлар орқали чуқур ва аномал геокимёвий зоналар билан боғлиқ бўлган, сув босимли системадаги кенг очилган Амударё артезиан ҳавзаси тахмин қилишга имкон беради (Гаврилюк, Ибрагимов). Диагенезда ғовакка хос эритмаларни сиқиб чиқарилиши ва кечки юра давридаги эвапорит жараёнларгина эмас, балки,

неотектоника ҳамда, у билан боғлиқ локал ўчоқлардан флюидларнинг вертикал миграцияси ўрганилаётган минтақада тузлар ва намакобларни ва улар билан саноат жиҳатдан қимматли микрокомпонентларнинг юқори концентрациялари шаклланишларида асосий ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

Ер ости сувларининг геохимёвий ҳолатларига ҳарорат, босим, у ёки бу компонентларнинг мавжудлиги, сув таркибли жинслар ва сувларнинг ўзини кимёвий таркибларидан ташқари, рН ва Eh каби кўрсаткичлар таъсир кўрсатади.

Элементларни миграция шароитлари ва чўкишнинг геохимёвий шароитлар ўрганишда оксидланиш-тикланиш потенциали (Eh) кўрсаткичи муҳим ролни ўйнамайди. Қайсар маъданлардан олтинни ишқорсизлаш бўйича экспериментал геотехнологик тадқиқотлар ўтказганда бизлар томонимиздан шу нарса аниқландики, йод эритмаси учун бу кўрсаткич 538 дан 630 мВ гача, бромга эса 986 дан 1028 мВ гача ораликларда тебраниб туради. Бундан келиб чиқадики, бу элементларнинг ҳар иккаласи ҳам кимёвий фаол элементлар бўлганлиги учун тоғ жинсларидан олтинни ишқорсизлантириш жараёнида иштирок этиши мумкин.

О. Е. Звягинцев “Олтиннинг геохимёси” монографиясида қуйидагиларни қайд этди: “Металл олтинга қуйидаги реагентлар таъсир қилади: хлор, бром, йод, шоҳ ароғи, оксидловчилар иштироқи этувчи кислоталар”. Шундай қилиб, ишонч билан таъкидлаш мумкинки, таркибида бром ва йод мавжуд бўлган сувлар олтинни ва олтинга таъсир қилувчи бир қатор элементларни тўпланишида, бир хил маънода иштирок этадилар, улар биринчи ўринда туради. А.Г.Бетехтининг “Гидротермал эритмалар, уларнинг табиати ва маъдан шакллантириш жараёнлари” ишида белгилаб ўтилганидек, “келиб чиқишлари гидротермал бўлган конларидаги кимёвий реакцияларни каттагина қисмлари афтидан, кучсиз ишқорий ёки нейтрал шароитларда содир бўлган” деб қайд этади. Бинобарин, рН ва Eh кўрсаткичлари ер ости намакобларида кўчиб юрадиган алоҳида элементларнинг эриши ва чўкишида муҳим рол ўйнайдилар.

Олтинни миграциясида сувда эриган органик моддалар (СЭОМ) муҳим рол ўйнайди, чунки олтин органик моддалар билан “органоген олтин” деб аталадиган олтинни яратади. Н.Е. Альтовский, Н.Б. Вассоевич, Н.А. Гатальский, И.В. Гуревич, Е.А. Бар, А.И. Швец, В.Н. Корценштейн, Я. А.Хожакулиев, Н.И. Субботин, А.С. Ҳасанов, Т.Н. Авазов, С.С. Ҳолдаров, В.А. Кудряков ва бошқа бир қатор тадқиқотчилар ишлари туфайли бу соҳада нефт конларининг ер ости сувларини ўрганиш натижалари бўйича олинган нефт ва газнинг мажмуавий гидрогеологик кўрсаткичлари ишлаб чиқилди. 1972 йилда Я.А. Ходжакулиев, Н. И. Субботин ва б. “Сувда эрувчан органик моддалар ва унинг нефт-газ қидиришдаги аҳамияти” монографияси нашр этилди.

Бухоро поғонасидаги юра сувли комплексини маҳсулдор бўлмаган горизонтларида (XVII-XVIII) органик углероднинг концентрацияси 0,87 дан 3,69 мг/л гача тебраниб туради (Ғаллаосиё, Азлартепа). Нефт ва газ уюмлари

яқинидаги маҳсулдор горизонтларда (XV-XVI) сезиларли даражада юқорилашади ва ўртача чегаралари 6,9-10,32 мг/л ташкил этади. Органик азотнинг фон қиймати 0,32 мг/л дан ошмайди. Нефт уюмлари районларида уни концентрацияси 1,2 мг/л гача кўтарилади (Қорабаир, Окжар). Газ ва газ конденсати ётқизиклари ҳудудларида органик азотни миқдори 0,27 дан 0,32 мг/л гача (фон қийматидан паст), “бўш” горизонтларда эса унинг қиймати паст (0,04 – 0,14 мг/л), Шўртепа, Азлартепа ва б.) ўзгаради. Маҳсулдор бўлмаган горизонтларда фенолларнинг миқдори 0,15 дан 0,65 мг/л гача ўзгариб туради, ўртача 0,72 мг/л дан ошмайди (Майдақора ва Янгиқазған ва б.). Маҳсулдор горизонтларда уларнинг концентрацияси 0,4 дан 2,78 мг/л гача ўзгаради. Бухоро боскичидаги юра сувли комплексларида нафтен кислоталарининг миқдори 0,45 дан 7,20 мг/л гача ўзгаради. Маҳсулдор горизонтларда уларнинг ўртача миқдори, кўп ҳолларда, фон қийматларидан юқори бўлади 1,78–4,62 мг/л (Қораиз, Майдақара, Юлдузқак ва б.). Кўпчилик структураларни унумсиз горизонтларида нафтен кислоталарини миқдори кам бўлади.

Чоржой поғонаси майдони бўйлаб органик углеродлар тақсимотининг умумий қонуниятлари шуни кўрсатадики, унинг аномал миқдори бўлган участкалари ҳудудий жиҳатдан нефт-газли уюмлар тарқалган районлар билан мос келади. Амударё артезиан ҳавзасидаги мезозой комплексининг умумий гидрогеокимёвий фонида органик моддалар ва эриган газнинг тарқалиши бўйича ўрганилган ва ишлов берилган далилий материаллари қуйидаги ҳулосаларга келиш имконини берди:

1. Мезозой ётқизикларининг ер ости сувларида органик маҳсул ва эритилган газ таркибларини шимоли-шарқдан жануби-ғарбга ҳавзанинг марказий қисмлар томонига ўсиши, кейин чеккаларда, яна чуқур горизонтлардан ер юзасига қараб пасайишининг умумий қонунияти кузатилади.

2. Нефт қонлари яқинида органик углерод, азот ва фенолни концентрацияси катталашади.

3. Маҳсулдор зоналар яқинида нафтен кислоталари ўсиб борган пайтда, “бўш” структуралар томонга нафтен кислоталари камайиб боради.

4. Ер ости сувларидаги сувда эрувчан газлар ва органик моддаларни ўзгаришлари, ҳавзанинг айрим физик-кимёвий шароитларидаги баъзи ўзгаришларни инобатга олган ҳолда, кўриб чиқилди. Масалан, органик моддалар ва углеводород газларининг ўсиши йўналишида умумий минераллашув, микроэлементлар миқдори ортади, ҳарорат ва босим юқорилашади, аммо намақоб ва сульфат сувларининг метаморфлашиш даражаси камаяди.

Кўриб чиқилаётган горизонтларни ер ости сувларида олтин миқдорини кўпайишига кимёвий фаол компонентлар бўлган хлор, йод, бром ва кислородни юқори концентрациялари таъсир қилиши мумкин. Хлор, йод ва бромни мавжудликлари, кўриб чиқилганлардан (ҳарорат, босим, органик моддаларнинг мавжудлиги) ташқари, ер ости саноат сувларида олтин тўпланишига ёрдам берувчи геокимёвий омилларга ҳам тегишлидир. Сув

намуналарини кимёвий таҳлилига кўра, БҚАҲ ер ости сувларида хлор миқдори 90мг-экв% дан ортиқ, йод 20-30 дан 70-100 мг/л гача, бром миқдори эса 250 дан 580 мг/л гача ўзгаради.

Кучли оксидловчилар сифатида хлор, йод ва бромни бўлиши сув таркибли жинслар ва нефт уюмларида олтиннинг ишқорсизланишига ёрдам беради ва ер ости сувларида олтин мавжудлигига ҳисса қўшадиган омилларни баҳолашда муҳим рол ўйнайди.

Диссертациянинг учинчи “Углеводород хомашёсини қазиб чиқаришни интенсивлаштириш даврида нефт-газ конларининг намакобларида сифат таркиби ўзгариши ва ҳозирги босқичда Ғарбий Ўзбекистоннинг хлорид намакобларида олтин миқдори” бобида ҳозирги замон этапида ер ости хлоридли сувларда олтин миқдори, шунингдек, ПБС учун фойдаланилган юза хос сувларни ҳайдаб чиқариш таъсирида нефт-газли структураларда қатлам сувларининг сифатини ўзгаришлари масалалари ёритилган.

Ўзбекистонда нефт-газ таркибли районлардаги ер ости сувлари илмий-тадқиқот институтлари гидрогеологлари учун доимий ўрганиш объекти бўлиб келган. Масалан, ИГИРНИГМ АЖ ва “ГИДРОИНГЕО институти” ДК томонидан узоқ вақт давомида эксплуатация қилинаётган, ҳамда, қидириб-чамаланаётган нефт ва газ конларининг ер ости хлоридли намакобларини намуналаш ишларини олиб бормоқда.

Ер ости ва ер усти сувларида олтин таркибини ўрганишга бағишланган, чоп этилган адабиётларни, шунингдек, фонд материалларини (“Ўзбекгидрогеология” ДУК, “ИГИРНИГМ” АЖ, “ГИДРОИНГЕО институти” ДК) таҳлиллари асосида, муаллиф томонидан табиий юзага хос сувларда (денгиз сувини ҳисобга олганда) ва ер ости сувларида олтин таркибининг ўртача қийматларини умумлаштирилган жадвалини тузди (1-жадв.) ва ушбу жадвалга кўра БҚАҲ маҳсулдор юра қатламларига мансуб бўлган хлоридли намакобларда олтиннинг миқдори гидрокарбонатли юзага хос (денгиз) сувлари ва ер ости сувларига ўхшаш кўрсаткичлардан анча юқори.

1-жадвал

**Табиий сувлардаги олтин миқдори, мг/л
(А.Ибрагимов тузган, 2019)**

*Денгиз суви	**Гидрокарбонат таркибли ер ости сувлари	***Хлорид таркибли ер ости сувлари
4-5 x 10 ⁻⁷	0,16-0,33 x 10 ⁻⁹	0,0011 ÷ 0,0065

Изоҳ: *ИНТЕРНЕТ-ресурсларидан олинган; ** ГИДРОИНГЕО институти маълумотига кўра; ***“Ўзбекгидрогеология” ДУК, “ГИДРОИНГЕО институти” ДК, “ИГИРНИГМ” АЖ маълумотига кўра.

“ГИДРОИНГЕО институти” ДК ходимлари томонидан турли йилларда илмий-тадқиқот ишларини бажаришда, ишлаб чиқариш кудуқларидан олинган сув намуналарининг кимёвий таҳлилларига камерал ишлов бериш натижалари шуни кўрсатадики, олтиннинг юқори концентрациялари БҚАҲ юқори юра

ётқизикларида тарқалган. Далилий материалларни таҳлилларидан кўринадики, таҳлилларини каттагина қисмида олтин миқдорини нисбатан юқори концентрациялари 0,13 дан 0,17 мг/л гача ўзгариб туради.

Юқори концентрациялар Ўртабулак, Шимолий Ўртабулак, Крук, Умид нефт-газ конларида ва Чоржой поғонасини ғарбидан то Шўртан ва Кумчукгача чўзилган айрим структураларида қайд этилган. Бу ерда олтиннинг миқдори 0,001 мг/л дан ортиқ бўлган сувлар саноат сувларига тегишли бўлишини ва шунинг учун бу қайд этилган структураларни ер ости сувларида олтиннинг концентрацияси минимал технологик талабдан 13-17 марта ортиқлигини эслатиб ўтиш ўринлидир.

Таъкидлаб ўтилганки, саноат концентрацияларидаги олтин асосан, юқори юра сув таркибли горизонтларида учрайди. Юра қатламларидаги сувларда олтин миқдори технологик минимумдан бир неча марта ошиб кетиши аниқланган. Бинобарин, таркибида олтин миқдори юқори бўлган саноат сувларидан олтин олиш учун гидроминерал хом-ашё сифатида фойдаланиш мумкин. Олтинни олиш учун йод оладиган қурилмадан фойдаланиш тавсия этилади, чунки йод олинганда қолдиқ туб она эритмада олтинни концентрацияси 20 марта ортади.

“ГИДРОИНГЕО институти” ДК ва “ИГИРНИГМ” АЖ тадқиқотларига мувофиқ, Денгизкўл кўтарилмаси ва Бешкент букилмасини маҳсулдор горизонтлари сувлари амалий қизиқиш уйғотувчи Ni, Co, Fe, Cr, Mo, As, Sb ларни юқори концентрацияларини ўз таркибига киритган. Ni, Fe, Cr, Sb ва бошқа элементларни юқори даражадаги концентрациялари Испанли-Чандир, Қандим, Ғазли, Когон ва Муборек кўтаришларда қайд этилган. Хулоса қилиб шуни таъкидлаймизки, БҚАХ камёб элементларнинг энг юқори миқдорлари юқори юра сув таркибли комплексларида, Денгизкўл кўтарилмаси ва унга туташ Чоржой поғонаси ҳудудлари ва Бешкент эгикликларида ўрнатилган.

Ер ости сувларида энг минимал технологик талабдан ($> 1,0$ мкг/л) ошувчи олтиннинг юқори концентрациялари эксплуатация қилинаётган Умид, Крук, Шимолий Ўртабулак, Тойлок, Қумли, Сомонтепа, Крук, Дехқонобод, Янги Қоратепа, Шарқий Испанли, Ғарбий Тегермон, Алан, Шимолий Гузар, Феруза, Шарқий Дарвоза ва бошқа бир қатор нефт ва газ конларда қайд этилган.

Газ ва нефт қудуқларини узок муддатли ишлаши ортиқча босимнинг ишлаб чиқишга ва натижада, углеводород хом-ашёсини олинадиган хажмини камайишига олиб келди. Қудуқлардаги ортиқча босим тушгандан сўнг, уларни насос-ҳайдовчилар ёрдамида эксплуатация қилишга ва нефт чиқаришни бир хиллаштириш учун уларнинг баъзиларида (Крук, Шимолий Ўртабулак ва бошқалар) самарали қатламлар ичига катта хажмда (1000 дан ортиқ-2000м³/кун) юзага хос сув ҳайдашни назарда тутувчи қатлам босимини сақлаш (ҚБС) усули қўлланган, бу эса ер ости сувларнинг макро- ва микрокомпонент таркибларини ўзгаришига олиб келади.

Бундай конларга Крук, Шимолий Ўртабулак, Кўкдумалак, Ғарбий ва Шарқий Тошли киради. Бунда, айрим алоҳида эксплуатация қилинадиган конларнинг сувланганлиги 80-90% га етади.

Айниқса, нефт ишлаб чиқарувчилар томонидан ўтказиладиган маҳсулдор қатламларни кислота билан ишлов бериш, ҳамда қатламни нефт-газ беришини катталаштириш учун термик ишлов бериш (парафин ўз ичига олган оғир углеводородларни суюқлантириш учун қатламга буғ ҳайдаш) қатламли сувларга катта таъсир кўрсатади. Бир мартани ўзида кудуққа тахминан 5-10 т миқдорларда 35% ли хлорид кислотаси ҳайдалади, баъзан қатламларга икки-уч марта ишлов берилади ва унда кислотани ҳажми 15-30т ни ташкил этади (Фарғона ва Сурхондарё НГХ). Бундай ишлов бериш эксплуатация кудуқларини коррозияланишига ва унга мувофиқ, углеводородларни устида ётувчи қатламларга оқиб кетишига олиб келиши мумкин, бу эса ер ости сувларининг сифатига салбий таъсир кўрсатади.

Қатлам сувларининг сифат таркибини ўзгариши нафақат минераллашувнинг пасайишида, балки турининг - хлоридлидан сульфатгача ўзгариши билан ҳам ифодаланади.

Диссертациянинг тўртинчи **“Олтин олишнинг геотехнологик схемалари ва йод-йодид эритмалари билан чидамли рудалардан олтинни олиш бўйича тажриба ишлари натижалари”** бобида НКМК билан шартномавий ишларни бажаришда муаллиф томонидан ўтказилган экспериментал тадқиқотларнинг натижалари баён этилган. Тадқиқотлардан мақсад қайсар маъданлардан олтинни ишқорсизлантириш ва флотация концентратларидан йод-йодид эритмалар ёрдамида олтинни олишда жамланди, бунда олтинни ажратиш олишда кам токсик бўлган ишқорловчиларни қўллаш имкониятларини асослаш кўзланган эди. Ушбу бобда турли усуллар билан олтинни ажратиш олишнинг мавжуд геотехнологик схемалари ҳақида қисқача маълумотлар келтирилган.

Маъдандан олтинни ажратиш олишнинг асосий усуллари: циан эритмалари билан гидрометаллургик ишқорсизлантириш усули; тиомочевина ёрдамида ишқорсизлантириш; олтин ва бошқа металлларни гумин кислоталари ва гидрохлорид билан ажратиш олиш; молекуляр хлор ишлатиб ҳаво кислороди ёки техник кислород ёрдамида оксидловчи ишқорсизланиш ва биоишқорсизлантиришдир.

Олтинни бром билан ишқорсизлантириш усули ҳам диққатга сазовордир. Бромдан ўтган юз йилликнинг бошларидан фойдаланиб келинади ва уни, олтин таркибли маъдандан анъанавий усуллар ёрдамида қайта ишлаш қийин бўлганда қўлланувчи вариантлар бири деб ҳисоблаш мумкин. Мумкин бўлган вариантлардан бири, бром-водородли кислотани хлор ёки гипохлорит бўлган гидробромик кислота тузининг бромга айлантирувчи, гидробромик кислота тузига қўшишдир. Бром эса олтин билан платинани ҳар қандай рН омилида ишқорсизлайди. Яна бир вариант - бромли цианиддан фойдаланишда жамланган. Бромдан фойдаланганда, моддани тезкорлик билан ишқорсизланиши ва рН нинг бир нечта катталикларига мослашувчанлиги каби баъзи афзалликлари бор. Сарфланишни (истеъмол қилишини) юқорилиги, атом адсорбцион таҳлилларда ҳалақит берувчанлиги каби камчиликлар ҳам мавжуд.



Сўнгги йилларда олтинни янги, токсик бўлмаган ва кам токсик эритувчиларни излаш, уларни қайта ишлатиш имкониятлари ва биринчи навбатда, йод-йодидли системаларда қўллаш, улардан эриган олтинни ажратиб олишга бағишланган тадқиқотлар анча муҳим даражадаги илмий ва амалий қизиқиш уйғотади.

Геотехнологик тадқиқотлар билан аниқландики, йод-йодидли эритмалар цианидли технологияни яқин концентрацияларда олтин ажратиб олиш имкониятига эга. Қозоғистонлик олимлар (А.О.Байканурова ва б.) томонидан йод (худди бром каби) I^3 , I^5 - полигалоид бирикмалар деб аталувчи юқори даражада қутбланган анионлар ҳосил қилиш қобилиятига эга эканлиги ўрнатилди, бу эса минерал хом-ашёдан олтинни олиш жараёнини кучайтиришни ва олтиннинг тўлиқ ишқорсизланишни фаол бошланиши ҳисобланади. Маълумки, қутбланиш қобилияти атом радиусининг фтордан йодгача ортиб бориши билан ўсиб боради ва йодда анча кенг намоён бўлади. Шунга кўра, олтиннинг галоген комплексларидан йодидли бўлганлари энг барқарор ҳисобланадилар.

Шу нарса ўрнатилганки, қайсар маъдандан олтинни ишқорсизлантириш учун йод-йодид реагентнинг самарали концентрацияси 0,02 моль/л эритма бўлиши аниқланган.

Тажрибалар натижалари қуйидагиларни кўрсатди:

- маҳаллий ресурслардан олиш мумкин бўлган йод-йодидли эритмаларга бром-бромидли эритмалар ҳамроҳлик қиладилар ва улар йоднинг потенциалига (+536 мВ) таққослаганда юқори потенциалга (+1087 мВ) эгадирлар;

- аралаш йодид-бромидли эритмалари олтиннинг олиш самарадорлигини оширади, бироқ бу гипотезани тасдиқлаш муфассал лаборатория ва йириклаштирувчи лаборатория тажрибалари ўтказиш талаб қилинади.

Қатлам сувларини юқори ҳарорати ва юқори босим билан бир қаторда хлор, йод ва бромнинг юқори потенциалларини инобатга олиб, уларни ер ости сувларида мавжудлиги олтинни қўшимча ишқорсизланишига ёрдам беради деб таъкидлаш мумкин.

Ишқорсизланиш усулларини кўриб чиқишда олтинни чўктириш усулларига кам бўлмаган муҳим рол ажратилади. Эритмадан олтинни чўктиришнинг классик схемаси қуйидагича: олтин хлориди эритмасини қайнатиш - SO_2 ва дитионитни $\text{Na}_2\text{S}_2\text{O}_4$ (Au учун йиғувчи модда олтингургурт ҳисобланади) тўйинтирилган эритмаси билан ишлов бериш - чўкмани филтрлаш ва эритиш. Олтинни эритмадан ажратиб олиш уни олтингургурт гази ёки натрий сульфит билан тиклаш йўли билан олиш мумкин.

Сульфат-хлорид эритмасида олтин комплекслари қисман ёки тўлиқ гидролизланади ва барқарор бирикма $\text{NaAuCl}_4 \cdot n\text{H}_2\text{O}$ сифатида мавжуд. Эритмага натрий сульфит билан бирга киритилган ёки олтингургурт газ тизимида ҳосил бўлувчи сульфит иони, сувда яхши эрувчанлиги ($\text{SO}_2 + \text{H}_2\text{O} = \text{H}_2\text{SO}_3$) туфайли, мажмуанинг гидратли қобиғи орқали шимилиб,

